БЕКОБОДДА ЖОЙЛАШГАН ЯПОН ҲАРБИЙ АСИРЛАРИ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ТАҚДИРИ ҲАҚИДА

М.Қ.Назирхўжаев

Мақолада ҳарбий асирлар лагерларининг ташкил этилиши, лагерлар сонининг ортиши сабаблари, улардаги шарт-шароитлар, тиббий ҳамда санитар ҳолат, шунингдек, меҳнатга жалб этилиши, асирлар ишлаган жойлар, объект номлари, уларнинг меҳнати учун тўланадиган иш ҳақи, пул мукофотлари ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *ҳарбий асирлар лагерлари, япон ҳарбий асирлари, санитар, гигиена, Фарход ГЭСи, Бекобод цемент заводи, кунлик овқат нормаси, иш ҳақи.*

В статье приведены сведения о возникновении лагерей для военнопленных, причинах увеличения их числа, условиях содержания военнопленных, медицинском и санитарно-техническом состоянии в лагерях, также о принудительном труде военнопленных в народном хозяйстве, о месте работы, названии объектов, заработной плате.

Ключевые слова: *лагерь для военнопленных, японские военнопленные, санитарное состояние, Фархадская ГЭС, Бекабадский цементный завод, дневной паёк, заработная плата.*

The article deals with the issues of the emergence of camps for of war prisoners and the reasons of the grawth of their numbers conditions, medical and sanitary technical conditions for the prisoners of war, as well as forced labor of the prisoners of war in the national economy, plug of work names of objects, their wages.

Keywords: *Camps for prisoners of war, Japanese prisoners of war, medicine, sanitary-technical condition, Farkhad hydroelectric power station, Bekabad cement plant, «Regulations on labor use of the prisoners of war» , dayly rations, salary.*

Иккинчи жахон уруши тугалланган вақтда Совет Иттифоқи ҳудудида мағлуб давлатларнинг кўплаб зобит ва аскарлари ҳарбий асирлар сифатида тўпланди. Улар орасида японлар ҳам бор эди. 1945 йил кузига келиб Совет Иттифоқи ҳудудидаги ҳарбий асирлар лагерларида энг катта муаммолардан бири жой масаласи бўлиб қолди. НКВДнинг янги лагерлар ташкил этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига қарамай, асирларни ётоқ билан таъминлаш муаммолигича қолаверди.

1945 йил июнь ойига келиб Иттифоқ ҳудудидаги Ҳарбий асирлар бош бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш ва меҳнат лагерларининг сони 191 тани ташкил этган бўлса, 1946 йилнинг бошига келиб бу кўрсаткич 295 тага етди [1.8].

Асирларни сақлаш учун жой етарли бўлмагани туфайли вақтинча сақлаш учун палаткалар тикилар, санитар-гигиеник шароитларнинг йўқлиги сабабли асирлар орасида терлама (паразитлар таъсирида терида ҳар хил тошмалар пайдо бўлиб, терлаш, иситмалаш ҳолатлари кузатилади), педикулёз (инсоннинг бош қисмида битлаш натижасида бош терида тошмалар пайдо бўлади) каби қасалликлар келиб чиқарди. Бу касалликлар инсон саломатлигига жиддий таъсир этарди.

Узоқ Шарқдан Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга кўплаб япон ҳарбийлари асир сифатида жуда оғир шароитларда (маҳсулот, товар, ҳайвон ташишга мўлжалланган) вагонларда олиб келинган, улардан бир қисми йўлда вафот этган.

Бекободда жойлашган 288-ҳарбий лагердаги собиқ асирлардан бири шундай эслайди: «Лагерда уч йил умрим ўтди. Мен учун биринчи йил энг оғир кечди. Сирдарё яқинида жойлашган лагерда эдим. Бу ҳудудда биринчи ва иккинчи лагерлар бўлиб, бу ерда немис асирлари билан бирга биз японлар ҳам бор эдик. Ўшанда мен санитар-аскар эдим. Шу сабаб, пешқадам сифатида, мен тозалик ва гигиенани сақлаш бўйича маъсул бўлганман. Мен билан яна бир сафдошим бор эди. Биз бир нарсадан ҳайратда эдик. Бизни катта хонага жойлаштиришди. Бу ерда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Тунда бургалар, битлар ва борингки, барча қонсўрар ҳашоратлар ҳужум қила бошлашди. Биз икковимиз нималар қилмадик, дейсиз. Ечиниб олдик, сочиқ билан ўрандик, барибир эрталабгача мижжа қоқмай чиқдик. Буни мен анча вақтгача унутмадим. Сўнгра даҳшатли терлама касаллиги пайдо бўлди, лекин, яратганга шукр, бошқаларнинг қисмати бизни четлаб ўтди» [3.78-79].

Совет Иттифоқининг жанубида жойлашган Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида 1946 йилга келиб 25400 нафар ҳарбий асир 15 та лагерга жойлаштирилган

эди. Бу кўрсаткич Иттифоқ миқёсидаги асирларнинг 1.5% ни ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида Андижон вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида 4 та, Тошкент вилоятида 3 та ҳарбий лагерлар ташкил этилган. Булардан ташқари 3 та маҳсус госпитал фаолият юритган.

Тошкент вилоятида ҳарбий асирлар лагерлари Ангрен, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида жойлаштирилган.

Ангрен шаҳрида ташкил этилган 372-лагерда ушлаб турилган ҳарбий асирлар шаҳардаги қурилиш ишларида, кўмир ҳавзасида, цемент ва нон заводларида, шунингдек, анҳорлар, дамбалар, турар жой бинолари, мактаблар қурилишларида ҳамда тоғли ҳудудда жойлашган Янгиобод шаҳарчасининг бунёд этилишида иштирок этганлар.

Бекобод шаҳри яқинидаги 288-ҳарбий асирлар лагери 1945 йил 21 сентябрда СССР ИИВнинг 001064-буйруғига асосан ташкил этилиб, 10500 гача асирларни сақлаши мумкин эди. 1945 йил декабрда 288-лагернинг учта бўлими қисқартирилгани учун, лагер 8500 тагача асирларни қабул қила олган. Ушбу лагерда жами 6000 тага яқин немис ва япон ҳарбий асирлари сақланган [2.435].

Ҳарбий асирлар меҳнатидан Фарҳод ГЭСси, Бекобод металлургия заводи қурилишларида, Бекобод шаҳри атрофидаги бир неча қишлоқларни табиий офатдан кейин қайта тиклашда, шунингдек: 1) Сирдарё дарёсидаги тўғон, 2) Ширинсой тоннели, 3) кичик ГЭС қурилиши, 4) канал усти кўприги қурилишида, 5) металл завод ёнидаги қишлоқ қурилишида, 6) ҳаммом қурилишида, 7) Фарҳод ГЭСси ёнидаги қишлоқнинг қурилишида, 8) Фарҳод ГЭСси бошқарув биноси ва клубининг қурилишида, 9) йўллар қурилишида, 10) юқори вольтли электр узатувчи линиялар қурилишида фойдаланилган.

Япон ҳарбий асирлари Тожикистоннинг Спитамен туманидаги тош конларида тош кесиш билан шуғулланганлар, бу тошлардан Фарҳод ГЭСини бунёд этиш ва Сирдарё қирғоқларини мустаҳкамлашда фойдаланилган. Ҳарбий асирлар доимий равишда Тожикистон республикаси ерларига меҳнат қилиш учун ўтиб туришган.

Александр Зубовнинг хотираларига кўра, «Японлар 25 - 45 ёшлар атрофида бўлишган, улар матонат билан ишлар эдилар. «Горный» қишлоғида тош конлари бўлган, бу тошларни Фарход ГЭСси ва унинг атрофидаги канал қирғоқларини мустаҳкамлаш учун ишлатишган. Тош юклаб берувчи махсус техникалар бўлмаган, фақат юк ташийдиган оғир автомобиллар бўлган, ана шу автомобилларга улар қўллари билан тошни юклар, манзилга етгач, ўзлари туширар эдилар».

Чирчиқ шаҳрида жойлашган 360-лагердаги ҳарбий асирлар меҳнатидан машиналарга ускуналар ишлаб чиқаришга мослаштирилган «Чирчиксельмаш» ва «Фрунзе» номли заводларда, шунингдек, аҳоли турар жойларини бунёд этишда фойдаланилган [5.6-8].

Япон ҳарбий асирлари Тошкент шаҳрида «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Электрокабель» ҳамда «Тўқимачилик комбинати» каби заводларда меҳнат қилганлар [6.23,29]. Қурилиш ишларида эса «Ўзбексаноат қурилиши» қошидаги Навоий номли опера театри, 84-завод ва турар жойларни бунёд этишга жалб этилганлар.

Япон ҳарбий асирларига уларни қўриқловчи ҳарбийлар ва маҳаллий аҳоли томонидан инсонийлик нуқтаи назари билан, баъзида эса дўстона қаралган.

Асирлар учун ноннинг бир кунлик нормаси 600 гр ни ташкил этган, ундан ташқари оғир меҳнат билан машғул бўлганларга кунлик озиқ-овқат нормасига 25% қўшиб берилган, айрим ҳолларда асирлар ўртасида берилган топшириқни ким 100% га бажариш бўйича мусобақалар уюштирилиб турилган. Бу вазифани бажарганларга мукофот тариқасида қўшимча нон, махорка (тамаки) берилар эди.

Асирларнинг ўзларига топширилган ишларни тўлиқ бажарганликлари учун эркин ёлланувчилар учун ойлик маошнинг 85% миқдорида (оғир меҳнатга жалб этилганлар учун), бошқа одатий ишлар учун 70% миқдорида пул мукофатлари бериб турилган, лекин мукофот пули 200 сўмдан ошмаслиги керак эди. Бу ишлаб топилган пуллар биринчи ва иккинчи категорияга тааллуқли асирларгагина берилар эди. Взвод ва рота командирларига ҳам 75 сўм миқдорида мукофот пуллари бериб турилган. Ҳарбий асирларни турли ишларга жалб этиш махсус буйруқ асосида амалга оширилар эди. 1945 йил 29 сентябрда НКВД бошлиғи С.Н.Круглов томонидан 0249 рақамли «Ҳарбий асрларни меҳнатга жалб этиш» ҳақидаги буйруққа имзо чекилди. Мазкур буйруқ НКВД лагерларида сақланаётган чет эл асирлари, шунингдек, алоҳида ишчи батальонларда тутқунликда ушлаб турилган чет эл собиқ ҳарбийларига ҳам тааллуқли эди. Ушбу буйруқ асосида асирлар жисмоний ҳолатига қараб уч қисмга бўлинган [4.634].

Биринчи категорияга ҳар қандай, ҳатто оғир меҳнатга ҳам кучи етадиган, иккинчи категорияга ўртача оғирликдаги ишларга лаёқатлилар, учинчи категорияга эса енгил меҳнат талаб этиладиган (масалан, лагер ҳудудини тозалаш, кийимларни тикиш ва ҳ.к.) ишлардан ортиғини бажара олмайдиганлар кирган.

Буйруққа кўра ҳарбий асирлар ишлаб топган пуллардан уларнинг ўзларини таъминлаш учун кетадиган турли ҳил кундалик эҳтиёжлари ва озиқ-овқатлар учун сарфланган, меҳнат учун мукофот эса асирлар учун кетадиган ойлик чиқимдан ошган тақдирда берилган. Ҳар бир асир учун бир ойлик сарфланадиган ҳаражат 456 сўмни ташкил этган. Ишлаб топилган пулларнинг ўзи билан олиб юриш суммаси кўпи билан 150 сўмдан ошмаслиги керак бўлган. Ишламайдиган ва лагер ҳудудида ишлайдиган асирларга мукофот пуллари берилмаган.

Асирларга қилган меҳнатига қараб кам миқдорда пул маблағлари бериб турилган, бу пулларга улар яқин ўртадаги дўконлардан ва маҳаллий аҳолидан озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар олиб туришган. Японлар гуруч маҳсулотларини севиб истеъмол қилишларини ҳисобга олиб, гарчи урушдан кейинги йилларда гуруч ноёб маҳсулот ҳисобланса-да, уларга оз миқдорда бўлса ҳам, гуручли овқат пишириб беришга ҳаракат қилинар эди. Япон ҳарбий асирларига белгиланган кунлик 600 гр нон миқдори иккига бўлинган, яъни 300 гр нон, 300 гр гуручни ташкил қилган. Баъзи ҳолларда немис асирлари ҳам ўзларини японларга ўхшатиб кўрсатиб, гуручли овқат учун келган ҳоллар ҳам учраб турган.

Лагерларга тақсимланган автотранспорт камлиги учун япон ҳарбий асирлари иш жойларига пиёда боришларига тўғри келган, айниқса, бу каби ҳолатлар қишки мавсумда белгиланган объектларга пиёда боришар эди. «Ҳарбий асрларни меҳнатга жалб этиш» ҳақидаги буйруққа кўра, ҳарбий асирларнинг пиёда босиб ўтган ҳар 3 км масофасига уларнинг иш билан машғул бўлган вақтига 15 минут ёзилиши керак эди, лекин амалиётда бу ҳолатлар кузатилмасди [4].

Буларнинг барчаси, аввало, уларнинг соғлигига таъсир этар, кейин эса уларга қўйилган вазифаларнинг вақтида бажарилмаслигига олиб келарди, кўпчилик ҳолларда япон ҳарбий асирлари лагердан иш жойига уч тўрт соатлаб юришар, иш жойига боришгач эса улар йўқлама қилинар эди. Асирларнинг кунлик иш вақти 6-7 соатни ташкил қилар, иш жойини топшириш ва лагерга жўнатиш вақтлари ҳам қўшиб асирларнинг иш вақти ҳисобига ёзилар эди.

Аввало, нега асирлар қуролларини совет армиясига топширганидан кейин ўз уйларига жўнатилмаган, оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинган каби саволлар туғилиши табиий. Чунки ўша вақтда Совет Иттифоқи жуда кўплаб талофотлар кўрган, мамлакат урушдан ғалаба билан чиққан бўлса-да, халқнинг аҳволи оғир эди. Урушга кетган кўплаб совет жангчилари урушдан қайтмаган, аксарият ҳолларда ногирон бўлиб қайтишган, урушдан қайтган кам сонли эркаклар меҳнатга яроқли бўлган. Мамлакатга ишчи кучи жуда керак эди. Кўплаб завод ва фабрикаларда, қурилиш ишларида аёллар эркаклар билан тенг, елкама-елка туриб меҳнат қилишган. Совет ҳукумати йўқотишлар ва қурбонлар эвазига ҳарбий асирлар меҳнатидан фойдаланиб, мамлакат қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётини кўтаришга ҳаракат қилган. Гарчи улар кўплаб ишларни ўз хоҳишига зид равишда қилган бўлишса-да, йиллар ўтиб уларнинг меҳнатлари зое кетмади, япон ва бошқа миллат вакилларидан иборат асирлар иштирокида бунёд этилган турли бинолар ҳозирги вақтда ҳам кейинги авлодларга беминнат ҳизмат қилиб келмоқда. Буларнинг барчаси уларга нисбатан миннатдорчилик ҳиссини уйғотиши табиий ҳолдир.

Адабиётлар:

1. Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941-1951. Т.5. кн.1. / под ред. М. М. Загорулько.- Волгоград, 2005.

2. Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941-1951. Т.5. кн.2. / под ред. М. М. Загорулько.-Волгаград, 2006.

3. Худойқулов Ш. Японларга паноҳ бўлган юрт.- Т.: Тафаккур қаноти, 2012.

4. Военнопленные в СССР. 1939-1956. Документы и материалы. / под ред. М. М. Загорулько.- М.: Логос, 2000.

5. РДҲА. 1п-йиғма жилд,15 а-рўйхат, 67-ҳужжат, 6-8 бетлар.

6. РДҲА. 1п-йиғма жилд,15 а-рўйхат, 295-ҳужжат, 23-29 бетлар.

ЎзФА Тарих институти,
2018 йил 14 майда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Б.Расулов)